

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил ноябрь ойининг 10-куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судининг очик сайёр суд мажлиси, Самарқанд тумани “Х.А.Вали” МФЙ биносида бўлиб,

Раислик қилувчи Н.Ражабов,

судья ёрдамчиси Ҳ.Муродуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Самарқанд туман прокурори ёрдамчиси А.Турсунов, жабрланувчи Б.Тохирова ва С.Исломов, гумон қилинувчи Ботиров Нажмиддин Суюнович ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳар “Самарқанд қонун устуворлиги” адвокатлар ҳайъати адвокати Ш.Файзиевларнинг иштирокида,

**Гумон қилинувчи: Ботиров Нажмиддин Суюнович** (Botirov Najmiddin Suyunovich), 1987 йил 01 январь куни Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, мавсумий ишчи, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Ургут тумани “Мингтепа” МФЙда истиқомат қилади, иш бўйича эҳтиёт чора қўлланилмаган, айблов қарори нухасини 06.11.2025 йили олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган № 1-1402-2501/302-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов органининг тўплаган ҳужжатларига кўра гумон қилинувчи Ботиров Нажмиддин Суюнович, 2025 йил 09 август куни соат 20:30 ларда ўзига тегишли бўлган, техник соз холдаги “Дамас ” русумли 30N314UA давлат белгили автомашинани, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи тегишли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси, суғурта полиси бўлгани ҳолда Самарқанд туман Андижони маҳалласи худудидан ўтувчи М37 А йўлини 1 км йўли бўйлаб, Самарқанд туман Андижони маҳалласи томонидан Самарқанд тумани Шредир маҳалласи томон йўналишда бошқариб боради.

Ушбу йўналишда амалдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сонли “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шартлиги, қоидаларнинг 3.19. «Қайрилиш тақиқланган» деб кўрсатилган талабларни ҳамда **53-бандидаги**, яъни «Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига



халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак” деб кўрсатилган, талабларни ҳамда **77-бандидаги**, яъни «Ҳайдовчи ҳаракатни серқатновлигини, транспорт воситасининг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши кераклиги, тезлиги ҳайдовчига Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак»-деб кўрсатилган талабларни **кўпол** равишда бузиб, бошқарувида бўлган Дамас русумли 30N314UA давлат белгили автомашинани ушбу йўналишда бошқариб бориш давомида, қайрилиш тақиқланган белги остида қайрилиб олиб, қарама қарши томондан ўз ҳаракат йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб келаётган ҳайдовчи Панжаев Турғун Нормуратович бошқарувида бўлган ласетти русумли 70A539VA давлат рақам белгили автомашинани ҳаракат йўналишига чиқиб, тўқнашув содир бўлишига сабабчи бўлган. Натижада бошқарувда йўловчи сифатида кетаётган 30 N 314 UA ларнинг тан жароҳатлари олиб, шифохонага муурожаат қилган.

РСТЭИАМ Самарқанд Филиалининг 2025 йил 19 сентябрь кунги № 3031-сонли хулосасида фуқаро Исломов Самариддиннинг танасида, яни кўкрак қафаси ва ўнг ёлка соҳасида шилинмалар, ўнг курак суягини синиши каби жароҳатлар мавжуд бўлиб, улар ўтмас каттиқ жисмлар таъсирида яъни ҳаракатда бўлган автомашиналар тўқнашуви натижасида автомашина салон ичи бўртиб чиққан қисмларнинг танага урилишидан юзага келганлиги, ушбу жароҳатлар соғлиқни йигирма бир кундан кўп аммо бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатга бузилишига сабаб бўлиши, шунинг учун ЎРТАЧА ОҒИРЛИҚДАГИ ШИКАСТ гуруҳига кириши кўрсатилган.

РСТЭИАМ Самарқанд Филиалининг 2025 йил 24 сентябрь кунги № 3042-сонли хулосасида фуқаро Тохирова Бибисоранинг танасида, яъни бошининг пешона тепа ва чап тепа соҳаларида урилиб йиртилган яраси, бош миянинг чайқалиши, ўнг оёқ катта болдир суяги пастги учлиги, яъни диафиз қисмидан синиши каби жароҳатлар аниқланган бўлиб, улар ўтмас каттиқ жисмлар таъсирида яъни ҳаракатда бўлган автомашиналарнинг ташқи бўртиб чиққан қисмлари танага урилишидан юзага келганлигини ушбу жароҳатлар соғлиқни йигирма бир кундан кўп аммо бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатга бузилишига сабаб бўлиши, шунинг учун ЎРТАЧА ОҒИРЛИҚДАГИ ШИКАСТ гуруҳига кириши кўрсатилган.

Судга гумон қилинувчи Н.Ботиров ва жабрланувчилар Б.Тохирова ва С.Исломов ариза билан муурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Гумон қилинувчи Ботиров Нажмиддин Суюнович суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор қилганлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини сезганлиги, жабрланувчи ва унинг қонуний вакилига етказилган зарарларни



тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчилар Б.Тохирова ва С.Исломовларнинг мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, гумон қилинувчи Ботиров Нажмиддин Суюновичга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, уларга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, давлат айбловчиси А.Турсунов, ҳимоячи Ш.Файзиевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи Ботиров Нажмиддин Суюнович айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ҳамда судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув томонларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, судланувчи Ботиров Нажмиддин Суюновичга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни;

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Б.Қурбоновга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан Ботиров Нажмиддин Суюнович (Botirov Najmiddin Suvonovich)га нисбатан юритилган жиноят иши ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчилар Б.Тохирова ва С.Исломовларга иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим нусхасини олган кундан 10 (ўн) сутка ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач кассация тартиби Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**Н.Ражабовф**

